



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ “ТЕМИР ДАФТАР”ГА КИРИТИЛГАН ОИЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИ

Хўжабеков Одилхон Ахрорхон ўғли
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси
З босқич 317-гуруҳ курсанти

Аннотация: Уибу мақолада профилактика инспекторининг фаолият турларидан бири ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар ва “Темир дафтар” га киритилган оиласлар билан ишилаш фаолияти ёритиб берилган.

Калит Сўзлар: профилактика инспектори, “Темир дафтар”, оиласлар билан ишилаш, киритиладиган тоифалар.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли, шу жумладан, хотин-қизлар ва ёшлиарнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир, ишсиз ва касб-хунарга эга бўлмаган, хукуқий ва маънавий-психологик қўллаб-қувватлашга зарурати бўлган фуқароларга давлат томонидан манзилли қўмаклашиш бўйича мутлақо янгича тизим жорий қилинди.

Хусусан, коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирини юмшатиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўмакка муҳтож оиласларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу йўналишда манзилли, ҳар бир шахс билан индивидуал ва тизимли равища мунтазам иш олиб бориши ташкил қилиш мақсадида моддий ёрдам ва қўмакка муҳтож оиласлар бўйича мутлақо янги – “Темир дафтар”, ижтимоий, иқтисодий, хукуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб-хунар ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган хотин-қизлар ва ёшлиар бўйича тегишлича “Аёллар дафтари” ва “Ёшлиар дафтари” тизимлари ҳаётга татбиқ этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллабай” ишилш тизимини амалиётга жорий этиш ва оиласларни тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 19 марта 152-сон қарори билан “маҳаллабай” ишилш тизими жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинган.

“Темир дафтар”ни юритиш ҳамда унга киритиладиган ижтимоий ахволи ва турмуш шароити оғир оиласлар билан ишилш бўйича тартибни, ҳисобот бериш ва маълумотларни тақдим қилиш шаклини амалиётга жорий этиш чоралари кўрилди ва ишлар ҳар бир маҳалла ҳудудида ташкил этилиб маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторлари зиммаларига юклатилди.

Жамиятда ижтимоий ахволи ва турмуш шароити оғир оиласлар муаммоларини тизимли равища ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка чукур тушунтириш



чоралари кўрилди шунингдек, “Темир дафтар” билан ишлаш борасидаги ишлар ҳам тизимли равишда мувофиқлаширилди.

“Темир дафттар” – бу карантин шароитида ишсиз, даромадсиз қолган эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож оилаларнинг маҳаллада шакллантирилган шаффоф рўйхати. “Темир дафттар”га эҳтиёжманд оилаларнинг **7 та тоифаси** киритилган:

1. кам таъминланган;
2. ногиронлиги бўлган;
3. ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар;
4. якка-ёлғиз кексалар;
5. доимий ишсиз фуқаролар;
6. карантин туфайли ишсиз қолган фуқаролар;
7. оғир эпидемиологик ҳудудлардан қайтиб келган фуқаролар.

Вазирлар Махкамасининг “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллашириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 5 марта 122-сон қарори талаблари асосида **кам таъминланган оила**, деб эътироф этилган оилалар;

ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гурух ногиронлиги бўлган аъзолари мавжуд оилалар;

кам таъминланган якка-ёлғизлар ва кексалар;

боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд оилалар;

кўп (4 ва ундан ортиқ) фарзандли моддий қўмакка муҳтож оилалар;

мехнатга лаёқатли ишсиз аъзолари мавжуд эҳтиёжманд оилалар;

тиббий ёрдамга муҳтож эҳтиёжманд оилалар (сурункали ёки оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган ва ногиронлик гурухи белгиланмаган аъзолари мавжуд етарли даромад манбаига эга бўлмаган оилалар);

нотурар жойларда истиқомат қилаётган, ўзи ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой бўлмаган эҳтиёжманд оилалар.

Бунда, агар юқоридаги тоифаларга мос келадиган оилаларнинг аъзолари мос равиша “Аёллар” ва “Ёшлар” дафтарида ҳам киритилган бўлса, ушбу оилалар рўйхати “Аёллар” ва “Ёшлар” дафтарида юритилади. Оилаларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишилари бошқарув офици томонидан бириктирилган маҳаллаларда фуқаролар йигинлари ходимлари, доимий вакиллар ва маҳалла фаоллари билан биргаликда барча йўналишдаги муаммоларни уйма-уй юриш орқали;

ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оилаларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши орқали;

эҳтиёжманд оилаларни ўрганиш бўйича ўтказилган сўровнома натижалари орқали ўрганилади.

Сектор штаби котиби, маҳалла фуқаролар йигини ходимлари, доимий вакиллар ва маҳалла фаоллари томонидан эҳтиёжманд оилалар аъзоларининг қизиқишилари, муаммолари ва оилаларнинг ижтимоий ҳолати тўғрисидаги жамланма рўйхат 3 кундан



ошмаган муддатда шакллантирилади. Жамланма рўйхат шакллантирилган кундан бошлаб 1 кун муддатда секторлар раҳбарларига тақдим этилади. Секторлар раҳбарлари 3 кундан ошмаган муддатда жамланма рўйхат кўриб чиқилишини ташкил қиласди. Секторлар раҳбарлари “Темир дафтари”га маълумотларни киритиш ва чиқариш, уларнинг ҳаққонийлиги бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

Профилактика инспекторлари “Темир дафтари”даги оилаларнинг ишсиз аъзолари бандлигини таъминлаш бўйича ҳамкорликни қуидаги йўналишларда амалга оширилади:

туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан инвестиция бўлимлари, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, тижорат банклари билан ҳамкорликда тармоқ ва ҳудудий инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларда яратилаётган янги иш ўринларига ишга жойлаштириш;

туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари билан биргаликда мавжуд вакансия ва захира (квота) иш ўринларига ишга жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;

туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан қишлоқ ҳўжалиги бўлимлари билан биргаликда кооперативларга жалб этиш, ғалладан бўшаган ерларда такрорий экин экиш ва оборотдан чиқиб кетган ерларни ўзлаштириш ҳисобига бандликни таъминлаш;

туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан солиқ идоралари, тижорат банклари, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари билан биргаликда касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиши ташкил этиш, тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка жалб этиш, ўзини ўзи мустақил равишда банд қилишини ривожлантиришга доир фаолиятни ташкил этиш орқали бандликка кўмаклашиш;

туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан марказлашган манбалар ҳисобига амалга оширилаётган қурилиш обьектлари ҳамда барча манбалар ҳисобига уй-жой қурилиши обьектларига ишга жойлаштириш.

Ушбу бандда кўрсатилган йўналишлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибида амалга оширилади.

“Темир дафтари”га тушган оиланинг ҳеч бўлмаганда битта аъзосини жорий йилда иш билан таъминлаб, шу орқали уларни муҳтожлиқдан чиқариш чоралари кўрилиши лозим. Бунда ҳудуд профилактика инспектори ўз ҳудудида ушбу тоифалага кирувчи оилалар рўйхатини шакллантириши ва аҳолини иш билан таъминлаш имкони бўлса, тегишли органларга тақдимнома киритиши ва аҳолини иш билан таъминлаш чораларини кўриши лозим. Бунда мономарказлар ва аҳолини иш билан таъминлаш бўйича ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳам амалга оширади. **“Темир дафтари” – ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир ҳамда сектор раҳбарлари томонидан алоҳида назоратга олинган оилаларни қайд этиш, муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси деб ҳам аталади. Кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби**



тўғрисида низом қабул қилинган бўлиб, мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайдиган кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, ҳамда ун ва қолипли нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш учун ҳар ойлик пулли компенсацияни тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

Оилани кам таъминланган деб эътироф этиш ва уларга болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдамни тайинлаш шартларига кўра, оиланинг ҳар бир аъзосига жами даромад аниқланадиган даврда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдорининг 0,527 бараваридан кўп бўлмаган микдорда тўғри келадиган бир ойлик ўртacha жами даромадга эга бўлган оила кам таъминланган оила деб топилади. Ногиронлиги бўлган шахс – ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуксонлари бўлган шахсdir. Ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш – ҳаёт фаолиятига доир чекловларни енгиб ўтиш, уларнинг ўрнини қоплаш (компенсация қилиш) учун ногиронлиги бўлган шахсларга шарт-шароитларни таъминлайдиган ҳамда уларга жамият ва давлат ҳаётида иштирок бошқа фуқаролар билан тенг имкониятларини яратишга қаратилган, давлат томонидан кафолатланган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чоратадбирлар тизими ҳисобланади. Юқорида қайд этилган ишларни амалга ошириш орқали профилактика инспекторлари ва барча маҳалла фаоллари ҳам ўз ваколати доирасидаги вазифаларни бажаради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилгай янги турмуш қурган ёшларнинг якка тартибдаги хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.10.2021 йилдаги 637-сон қарори.
2. “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 15.10.2020 йилдаги ЎРҚ-641-сонли қонуни.
3. “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 24.08.1994 йилдаги 434-сонли қарори.
4. // <http://www.lex.uz>